Ушбу сонда:
2 ЭЛ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР
3 Бир Фармон шарофати АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ МАРДНИНГ ИШИ
4 Қарши: ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ ЯҚИН

НИСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 14 сентябр, чоршанба № 152 (1993)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ҲОСИЛ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

***Навбаҳор тумани пахтакорлари шу пайтга қадар ҳосилни қабул қилиш ва уни қайта ишлашда бир мунча қийинчиликларга дуч келишарди. Туманда янги пахта тозалаш заводининг ишга тушиши барча муаммоларга чек қўйди.***

Корхона биринчи бўлиб тумандаги «Аслонбобо» ва «Мерган» фермер хўжаликларининг янги ҳосилини қабул қилиб олди.

- Заводимизда йилига 30 минг тонна пахта қайта ишланади, - дейди корхона раҳбари Ғуломжон Облоқулов. - Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида пахта туширадиган ва узатадиган ўнта янги агрегат сотиб олдик. 27 та майдончамиз, тўртта омборхона, учта тарозихонамиз мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Корхона ишга тушиши билан юзга яқин янги иш ўрни яратилди. Бу йилги толанинг асосий қисмини хорижга экспорт қилиш режалаштирилган. Айни пайтда янги ҳосилни қайта ишлаш бошланди.

*Фахр*

## ҚЎЧҚОРЧИ ҚИШЛОҒИДАН ЧИҚҚАН ҚАҲРАМОН

***Истиқлолга эришганимиздан сўнг инсон қадр-қиммати, меҳнатига эътибор тубдан ўзгарди. Хусусан, мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни юксак мукофотлар билан тақдирлаш қутлуғ анъанага айланди.***

Давлат мукофотлари орасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан икки нафар юртдошимиз Президентимизнинг Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига муносиб кўрилди. Улардан бири - Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1-технологик цехининг механиги Ботирали Темировдир.

...Ботирали аканинг уйидан меҳмон аримайди. Келиб-кетгувчиларнинг саноғи йўқ. Ёши олтмишни қоралаб қолган бўлса-да, бундай юксак иззат, бундай ғурурдан ҳаяжонда.

Қаҳрамонимиз ўша-ўша, кўпчилик билган оддий, самимий, дилкаш инсон. Қувасойнинг Қўчқорчи қишлоғидан чиққан бу меҳнаткаш инсон, не ажабки, бугун эл-юртимизнинг эътиборини қозониб турибди.



Ботирали деҳқон оиласида туғилгани учун суяги далада қотди. Ерга, ҳалол меҳнатга меҳр қўйиб улғайди. Ўқувчилик пайтлари дарсдан сўнг хўжалик даласига ошиқарди. Ўсмирлик ғайрат-шижоати билан анча-мунча ишни қойиллатиб қўярди. Бирор техника бузилгудек бўлса, дарров ўзи тузатишга киришарди.

У ҳарбий хизматдан тўғри қадрдон даласига қайтди. Бироз муддат ширкат хўжалигида ишлаб юргач, техникага ҳавасманд эмасми, чилангарлик касбига қизиқиб қолди. Шу мақсадда 1971 йили у Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига ишга кирди. Ўттиз тўрт йилдирки, Ботирали Темиров ана шу даргоҳда меҳнат қилиб, чилангарлик касбини эъзозлаб келади.

Дастлаб шогирдликдан иш бошлаган Ботирали ака тез орада Махпиржон Тошпўлатов, Тошпўлат Раҳимов сингари устозлари сафига қўшилди. Ишдан ажралмаган ҳолда, дастлаб Фарғона индустриал техникумини, сўнгра Фарғона политехника институтининг механика факультетини тамомлади. Бу йиллар давомида чилангарликдан участка устаси даражасига кўтарилди, хорижлик мутахассислар билан лойиҳалаштирилган янги технологик қурилмага машинист этиб тайинланди.

Уч йилдирки, у 1-технологик цех қурилмасида механик бўлиб ишлайди. Бу иш ғоят катта масъулият талаб қилади. Йилига 600 минг тонна паст октанли бензинни қайта ишлаб, юқори октанли ёнилғига айлантирадиган қурилманинг техник барқарорлигини таъминлаш осон иш эмас.

Ибратли жиҳати шундаки, бугун завод аҳлининг фахрига айланган Ботирали Темиров умр буйи ҳалол, виждонан меҳнат қилди. Ҳамкасблари ҳурматини қозонди, ўзи каби меҳнатсевар, ғайратли шогирдлар етиштирди.

Ботирали ака етук мутахассис бўлиш билан бирга, бағри кенг оила бошлиғи, меҳрибон ота сифатида турмуш ўртоғи Маҳфуза опа билан икки фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Ҳозир уларнинг иккови ҳам ҳаётда ўз йўли, ўз ўрнини топган. Ўз касбингни севсанг, эл-юртинг, оиланг тинч бўлса, сидқидилдан қилган меҳнатинг қадр топса, инсон бахти шунда эмасми?

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

## МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

***«Ўзэкспомарказ» мажмуида «O`zbek in print» ва «O`zupask» матбаа маҳсулотлари, нашриёт иши, реклама ва этикетка халқаро кўргазмаси очилди. Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган бу кўргазма Ўзбекистон-Россия «ПолРос» қўшма корхонаси ва «Ўзэкспомарказ» мажмуи ҳамкорлигида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Россия Федерациясининг юртимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.***

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда, барча соҳаларда бўлгани каби, нашриёт-матбаа, полиграфия соҳасини тубдан ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августда қабул қилинган «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Тармоқда туб ўзгаришлар рўй бермоқда, хусусан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёни жадаллашмоқда, янги технологиялар жорий этилиб, замонавий қўшма корхоналар ишга тушмоқда.

Пойтахтимизда бундай кўргазманинг мунтазам ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, полиграфия маҳсулотларининг сифатини ошириш ва ташқи кўринишини янада яхшилаш нафақат юртимизда, балки бутун дунёда тобора долзарб вазифа бўлиб бормоқда. Еттинчи марта ўтказилаётган ушбу кўргазмада Жанубий Корея, Россия, Ҳиндистон каби йигирмадан зиёд давлатнинг полиграфия соҳасига ихтисослашган фирма ва компаниялари маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Иштирокчилар сонининг йил сайин кўпаяётгани эса кўргазма нуфузи тобора ортаётганидан дарак беради.

Юртимизнинг «Ўзбекистон», «Ўқитувчи»,»Чўлпон», Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйлари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси каби ўттиздан зиёд нашриёт-матбаа корхоналари, компаниялари, ижод уйлари маҳсулотларига кенг ўрин берилган.

Кўргазмада матн, суратли ахборот ва рангли ишлов учун мўлжалланган жиҳозлар ва компьютер технологиялари, энг янги матбаа машиналари ва замонавий технологиялар, ёрлиқ ва қоғоз-картон учун материаллар, оргтехника жиҳозлари, турли матбаа маҳсулотлари билан танишиш мумкин.

- Бизнинг муассасамиз асосан таълим даргоҳлари учун контур-харита ва атласлар етказиб беради, - деди «Картография» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси маркетинг бўлими мутахассиси Жаҳонгир Ҳолиқов.- Бундай халқаро кўргазмада тўртинчи марта иштирок этаётирмиз. Бу эса аҳолини, соҳа ишбилармонларини корхонамизнинг янгиликлари билан таништиришда, маҳсулотимизни реклама қилишда, ўзаро манфаатли шартномалар имзолашда ғоят қўл келмоқда.

Бу галги тадбир доирасида халқаро полиграфия саноати форуми, полиграфия соҳасини ривожлантиришга оид анжуман ва семинарлар ўтказилади. Айни пайтда кўплаб қўшма корхоналарнинг янги лойиҳалари тақдимоти, ишбилармон доираларининг учрашувлари бўлиб ўтади. Замонавий дизайн ва матбаа соҳасидаги ёш ва изланувчан мутахассисларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда полиграфия маҳсулотлари сифатини ошириш мақсадида «2005 йилнинг энг яхши этикеткаси» ҳамда «Dizayn va Muhr» номли кўрик-танловлар ташкил этилади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов иштирок этди.

**(ЎзА)**

*Оёқ остидаги имконият*

## БЕМИННАТ ДАРОМАД МАНБАИ

***Йўлда бир йигит билан ҳамсуҳбат бўлдим. Унинг айтганлари чуқур мулоҳазага ундади. Ўзининг илтимосига кўра уни пастдарғомлик Саид деб атайдиган бўлдик.***

– Ҳавасга берилиб, ёшлигимнинг анча қисмини беҳуда ўтказиб юборибман. Ҳар хил ишларни қилиб кўрдим. Лекин бирортасидан барака топмадим, - дейди у. – Кейин отамнинг гапини олиб, томорқа билан машғул бўлдим. Пайвандди кўчат етиштираман. Ҳар йили мингтагача кўчат сотаман. Томорқадаги ёнғоқ, беҳи, олма, нок, хурмолар ҳам ҳосилга кириб қолди. Тўрт тупгина "шампан" гилоси ҳар йили 300-400 минг сўм даромад беради. Рўзғоримга қут-барака кирди. Шу ишга олдинроқ киришмаганимга ўкинаман ҳам.

Мана шу суҳбат сабаб бўлди-ю, томорқадан фойдаланишнинг аҳволи билан қизиқдим. Мутахассисларнинг эътирофича, ҳозир бозорларга чиқарилаётган мева-сабзавотларнинг 25-30 фоизи аҳолининг томорқасида етиштирилаётган экан. Самарқанд вилоятининг 70 фоизи аҳолиси 0,08-0,20 гектардан томорқага эга.

Иштихонлик З.Муродов мактабда ишлайди, турмуш ўртоғи ҳам ўқитувчи. Оилада уч фарзанди бор. Фақат маош эвазига фаровон турмуш кечириш қийин. Шунинг учун 0,15 гектарлик томорқадан унумли фойдаланишмоқда. Ҳар йили эртаги карам, картошка етиштиришади. Ер бўшагач, кечки помидор, бодринг, маккажўхори экилади. Бешта қорамол, анчагина товуқлари бор. Йигирма тупдан ортиқ мевали дарахтлар ҳам ҳосилга кирган. Даромаддан сўз очилса, миллионлардан гапиришади.

Самарқанд туманидаги Янгиариқ қишлоғида яшовчи А.Жалолов ҳам ерни қадрлайдиган кишилардан. Унинг гапларига эътибор беринг:

– Томорқамизда сабзи, пиёз, картошка, бақлажон, помидор, бодринг, олма, ўрик, анжир, анор, нок етказамиз. Соғин сигиримиз сут-ёғнинг, товуқларимиз гўшт ва тухумнинг кони. Томорқани айланаси бўйлаб йигирма туп ток экканмиз. Унинг вассарга, ҳусайни, мускат, тойифи навлари бор. Тойифининг ўзи бир тоннадан зиёд ҳосил беради. Меҳнатга яраша даромад, даромадга яраша рўшнолик кўраяпмиз.

Баъзи суҳбатларда бировлар турмуш қийинчиликларидан нолиётганига гувоҳ бўласиз. Ҳолбуки, ҳар биримизда ердан фойдаланиш имконияти ҳамиша бор. Танбаллик қилмаслик керак, холос.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ИСТИҚБОЛЛИ КОРХОНА

***«Жарқўрғоннефтниқайтаишлаш» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади.***

Йилига 130 минг тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга мазкур корхона вилоят ҳудудидаги Какайди, Лалмикор, Миршоди, Учқизил, Ховдак конларидан чиқадиган хомашёдан бензин, парафин, битум ажратиб олади.

Қўшма корхона қурилишига россиялик ҳамкорлар 7 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиб, лойиҳа ишларини ҳам бажарди. Ишлаб чиқариш жиҳозлари Россиянинг «Белэнергомаш» заводида тайёрланди.

Корхона ишга туширилгач, 150 нафар киши иш билан таъминланди.

## ОДАМЛАР МУШКУЛИН ОСОН ЭТИБ

Учқудуқ туманидаги «Олтинтов» ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пунктининг ишга тушиши овулларда истиқомат қиладиган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш имкониятини яратди.

Энди 150 километр йўл босиб, туман марказий шифохонасига бориш учун ҳожат қолмади. Янги шифо масканида қишлоқ аҳолисини тиббий текширувдан ўтказиш ва даволаш учун зарур шарт-шароит яратилган.

Янги врачлик пункти асосан ҳашар йўли билан бунёд этилди. Қурилиш-монтаж ишларига ширкат хўжалиги ҳомийлик қилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман ҳокимлиги кўмагида мазкур шифо маскани керакли тиббий воситалар, УАЗ-452 ҳамда ДАМАС автомашиналари билан таъминланди.

*Касаба уюшмалари ва йиғим-терим*

## ДЕҲҚОН ОРОМГОҲИ

***Кейинги йилларда ҳам «Олтин водий» ширкат хўжалиги Тўрақўрғон туманидагина эмас, балки, Наманган вилоятида ғолиблик шоҳсупасини бўшатмай келмоқда. Тўғри, қайсидир йилларда режа уддаланмасдан қолган. Аммо Убайдулла Абдуллаев хўжаликка раҳбар этиб тайинлангач, фақат олдинга силжиш кўзга ташланмоқда.***

Бу борада эришилаётган ютуқларда меҳнат аҳлининг унумли ишлаши учун алоҳида ғамхўрлик қилинаётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, болали аёлларга яратиб берилган шарт-шароитни олайлик.

Турсунбой Қўчқоров бошлиқ бригада дала шийпони биноси озода, кўркам. Унинг ёнгинасидан шарқираб ариқ оқиб ўтган. Ҳар томонга гул ва райҳонлар экиб ташланган. Улар сахий куз қуёшида чамандек очилган. Димоғингизга райҳонлар ҳиди уфуради. Ошхонада пишаётган овқат ҳиди иштаҳангизни қитиқлайди. Ўн-ўн беш сотих майдончада пишган помидор, бақлажон ва бошқа сабзавот экинлари ошхонага ишлатилмоқда. Унинг атрофига икки қатордан экилган маккажўхори пишиб етилган.

– Хўжалик томонидан бизга ёғ билан макарон, гуруч ва гўшт етказиб бериб турилади. Картошка, сабзи, пиёз, ловия, маккажўхори, саримсоқпиёзгача ўзимиздан чиқади, – дейди бригадир Т.Қўчқоров кулиб. – Шундай бўлгач, тушлик таннархи анча арзонга тушади.

Хўжаликнинг Ҳусанбой Қирғизов бошлиқ бригадасида бўлганимизда, бу ерда ҳам ишловчиларга яратиб берилган шарт-шароит бошқаларникидан кам эмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Ушбу бригада томорқасидан бу йил ҳар қачонгидан кўра ҳам мўл ҳосил олинибди. Бу эса ўз навбатида тушлик пайтида дастурхоннинг янада тўкинроқ бўлишини таъминламоқда. Бахтиёр Маматов, Камолиддин Ғанибоевлар етакчилигидаги бригадаларда ҳам тушликнинг тўйимли ва мазали чиқиши учун барча имкониятдан фойдаланилмоқда.

Хўжаликнинг дала шийпонларида болали аёллар меҳнатининг унумли бўлиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратиб берилмоқда. Кичкинтойлар учун сутли таомлар тайёрланмоқда.

Фермерлар билан бу борада мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Биринчи навбатда уларнинг ўзларига қарашли ерларда мўл ҳосил олишлари, чорвачилик фермаларини ривожлантиришлари учун хўжалигимиз томонидан зарур бўлган барча ёрдам кўрсатилмоқда. Ўз навбатида улар ҳам кўмакларини аяшмаяпти. Масалан, бир фермер полиз масаласида бизни қўллаб-қувватласа, иккинчиси, чорвачилик маҳсулотларига нисбатан эҳтиёжимизни қондиришда ёрдамлашади. Масалан, Асқарали Маматов, Олимжон Раҳмонов каби фермерлар шийпонларимиздаги кўчма боғчаларимизни сут маҳсулотларига бўлган талабларини ўз вақтида қондириб туришибди. Айни чоғда хўжаликда пахта терими кун сайин авж олиб бормоқда. Раҳбархон Асқарова, Мастурахон Маврулова, Ҳамидахон Қўчқорова каби оналар фарзандлари ҳақида қилинаётган ғамхўрликларга жавобан ва унумли меҳнат учун яратиб берилган шарт-шароитдан фойдаланиб, кунига 110-120 килограммдан ҳосил теришга эришишмоқда.

**А.ҚЎЧҚОРОВ,**
**Тўрақўрғон туманидаги «Олтин водий» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## ЎЗ АРИЗАСИГА КЎРА...

***Бундан беш ой илгари Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида раҳбар алмашгандан сўнг ҳақ-ҳуқуқи чекланаётгани ҳақида куйиб-ёниб гапирган бу аёлни яна тушкин кайфиятда учратдик. Унинг айтишича, келиб-келиб хизмат сафари билан Исроил давлатида бўлган пайтида бир жойда вазифасидан пасайтирилиб, иккинчи жойда «штат» йўқлиги баҳонаси билан «ўз аризасига асосан» ишдан бўшатиб қўя қолишган.***

Боз устига газетага шикоят қилгани учун қасдма-қасдига «ҳамкасбларидан 210 минг сўм пул йиғиб шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборгани» юзасидан тўпланган ҳужжатлар республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Наманган вилояти бўйича назорат инспекцияси томонидан вилоят прокуратурасига юборилибди. Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Ж.Низомов томонидан ёзилган хатдан маълум бўлишича, Бош бошқарманинг штатсиз бош ҳамшираси Садбархон Турғуновага нисбатан тўпланган ҳужжатлар юзасидан суриштирув ҳаракатлари ўтказилганда унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлиги туфайли 2005 йилнинг 8 май куни ЎзРЖПКнинг 83-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Хўш, Садбархон Турғунованинг бундай шароитга тушишига сабаб нима? У Наманган тиббиёт коллежини 1982 йилда имтиёзли диплом билан тугатгач, вилоят шифохонасида ҳамшира, бош ҳамшира сифатида фаолият юритган. 2001 йилнинг 17 октябрида Ўзбекистон ўрта тиббиёт ходимлари ассоциацияси Наманган вилоят бўлими раиси Н.Шарипованинг вилоят соғлиқни сақлаш тизимида 19.000 дан зиёд ҳамшира меҳнат қилиб келаётгани, улар ишини ривожлантириш, амалий ёрдам бериш ва назорат ишларини олиб бориш учун вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида штатсиз бош ҳамшира лавозимини тасдиқлаб бериш сўралган. Бу лавозимга ўрта тиббиёт ходимлар кенгаши аъзоси «Она ва бола скрининги» бош ҳамшираси С.Турғуновани тавсия этиш, штатсизлигини инобатга олиб, ойлик маошига 30 фоиз қўшиб берилиши тўғрисида сўралган билдиришномасига асосан бошқарма бошлиғи М.Раҳмонов имзоси билан буйруқ чиқарилган. Шундан сўнг у вилоят «Она ва бола скрининги» марказида иш ўрнини сақлаб қолган ҳолда бошқарманинг бош ҳамшираси вазифасини ҳам бажариб борган. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 25 январдаги 5-сонли буйруғига асосан у наманганлик 15 нафар ўрта тиббиёт ходимига гуруҳ раҳбари сифатида Ўзбек-Америка-Исроил программаси бўйича «ҳамширалик ишида лидерлик ва оилавий ҳамшира ишини ташкил этиш» цикли бўйича Исроил давлатида малака оширишда бўлган. Ана шу даврда Турғунова «Она ва бола скрининги» марказидаги вазифасидан пасайтирилган. Мана қўлимизда марказ мудири Н.Расулова томонидан имзоланган икки хил буйруқ. Улардан бирида «Турғунова Садбархон 2005 йил 1 февралдан ЭКГ ҳамшираси вазифасига ўтказилсин, асос: 2004 йил назорат инспекциясининг далолатномаси» дейилган бўлса, иккинчи буйруқда «2005 йил 1 февралдан катта ҳамшира вазифасидан 1,0 ставка ЭКГ ҳамшира, 0,5 амалиёт ҳамшираси вазифасига ўтказилсин», дейилади. Бунга 2004 йилда ўтказилган назорат инспекциясининг текширув далолатномаси, 2005 йил 17 январдаги касаба уюшма қўмитаси йиғилишининг 2-сонли қарори асос қилиб олинган. Амалда улардан қай бири тўғри? Чамаси биринчи буйруқ асл, иккинчи буйруқ кейинроқ тайёрланган кўринади. Чунки, марказ касаба уюшма қўмитаси раиси Н.Раҳимованинг шу йил 31 мартдаги маълумотига қараганда, касаба уюшма аъзоси С.Турғунованинг чет элда малака оширишда бўлган пайтида ЭКГ (электрокардиограмма) ҳамширалигига ўтказилганлигидан хабардор бўлган. Бунга ўз эътирозини ҳам билдирган. Бу масала ҳақиқатда умумий йиғилишда кўрилмаган. Унда касаба уюшма қўмитаси аъзоларининг йиғилиш баённомасида «вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси С.Турғунованинг бошқармадаги вазифаси кўплиги, марказдаги катта ҳамшира вазифасини бажармаётганлигини инобатга олиб, иш ҳажми камроқ вазифага ўтказиш маъмурият олдига қўйилсин», деб қарор қабул қилиниши кимга ва нимага керак бўлиб қолди? Таажжубки, чамаси нотўғри йўлдан кетилаётганлигини аниқлашгач, кейинчалик бу хато тузатилган, С.Турғунова яна марказ катта ҳамширалигига тикланган.

«Исроилдан қайтганимдан сўнг менинг иш фаолиятимда зиддиятли ҳолатлар юзага келди, деб ёзади С.Турғунова – Бошқарма бошлиғи 2005 йил 12 март куни ҳузурига чақириб: «Сизни ҳурмат қиламиз. Беш-олти ой иш жойингизда ишлаб турсангиз, кейин яна чақириб оламиз» деди. 15 март куни кадрлар бўлими бошлиғи телефонда ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб беришимни сўради.

(Давоми 2-бетда)

Ибодат Очилова Яккабоғ туман Татар маҳалла фуқаролар йиғинига диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаш билан бир қаторда хотин-қизлар қўмитаси раислиги вазифасини ҳам бажаради.

Ҳозирги кунда ҳудудда 2051 нафар хотин-қизлар истиқомат қилади. Шулардан 200 га яқин аёллар боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланади. 50 киши пенсионер, 12 нафар ногирон ва ўзгалар қаровига муҳтож истиқомат қилмоқда.

## ТОҒ ЁНБАҒРИДАГИ ПАРРАНДАЧИЛИК ФЕРМАСИ

Ибодат опа биринчи навбатда ишсиз аёлларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берди. У маҳалла фуқаролар йиғини ва хўжалик раҳбарлари олдига ана шу муаммоли масалани кўндаланг қўйди.

Натижада шу бир-икки йил ичида 40 нафарга яқин ишсиз аёллар тадбиркорлик йўли билан ишга жойлаштирилди. Қирмиз Мейлиева паррандачилик хусусий фермаси ташкил этди. Барчин Бердиева Тошкент шаҳрида бир йил ўқиб келиб, Ҳайдарбулоқ қишлоғида тикувчилик цехи очди ва 15 нафар қизни ушбу касбга ўргатмоқда. Комила Бердиева эса Шаҳрисабзда ҳар хил пишириқ тайёрлаш ва қандолатчилик тайёрлаш курсини тугаллаб, қишлоқда цех фаолиятини йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Бу ерда 7 нафар хотин-қиз тўй-маъракаларда ҳар хил қандолат ва пишириқлар тайёрлаб бериб, аҳолининг ҳурматига сазовор бўлаётир. Тамара Салимова чопон тикиш цехини ташкил этиб, аҳолини хушбичим чиройли халат ва чопонлар билан таъминлаётир. Шунингдек, Баҳор Султонова, Равшана Муҳаммадиева, Марҳабо Элтаева, Шаҳло Муҳаммадиевалар ҳам ана шундай тадбиркорлик ишларини амалга оширмоқда.

- Ўтган йили кузда 130 дан ортиқ уй бекаси бўлган аёллар иш талаб қилиб келишди, - дейди биз билан суҳбатда И. Очилов. - Уларга маҳаллада фойдаланилмай ётган ерлар бўлиб берилди. Аёллар 30-50 сотихдан берилган майдонларда помидор, картошка, пиёз, зиғир, нўхат каби дуккакли ва сабзавот экинлари экишиб парвариш қилишди. Оқибатда Холчучук Бердиева, Муҳаррам Худойқулова, Ҳалават Муҳаммадиева, Сапина Раҳимова, Баҳринисо Жўраева каби тадбиркорлар 60-70 тоннадан маҳсулот етиштирдилар.

Бундан ташқари, барча қишлоқларда 30 дан ортиқ аёл хусусий дўкон очиб, аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатишмоқда. Уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга яқиндан ёрдам бермоқдамиз. Ҳа, кам гап, камтар бўлсада, зуваласи пишиқ, садоқатли аёлнинг ҳар бир куни муҳим тадбир ўтказиш билан ўтмоқда. "Намунали оила", "Ораста келин-уй зийнати" ва бошқа танловлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

**Т.ХАЙРУЛЛАЕВ**

